### Ўзбекистон — Индонезия: ҳамкорликнинг узилмас ришталари

# МИНГОРОЛ ЮРТИ

**_ЎЗБЕКИСТОНЛИКЛАР яқин йилларгача Индонезия ҳақида жуда оз маълумотга эга эдилар. Мустақилликка эришилгач, Ўзбекистон Президенти И. А. Каримовнинг Жакартага расмий ташрифидан сўнг бу мамлакат билан ҳар томонлама ва чуқур танишиш имкониятлари туғилди. Ўшанда дипломатик муносабатларни ўрнатишга қарор қилинди, иқтисодий ва техник соҳаларда ҳамкорлик қилиш тўғрисида битимлар имзоланди. Индонезия Президенти Сухартонинг Ўзбекистонга бўлажак ташрифи мамлакатларимизни бир-бирига янада яқинлаштиради, улар ўртасидаги алоқаларни кенгайтиради ва чуқурлаштиради._**

Мустамлакачиликнинг оғир асоратлари туфайли иқтисодий ва турмуш даражаси жиҳатидан ўтмишда камбағал бўлган Индонезия бугунги кунда жаҳоннинг жўшқин ривожланаётган мамлакатлари сафидан мустаҳкам ўрин эгаллаган.

Эришилган ютуқлар ҳақиқатан ҳам зўр таассурот қолдиради. Аҳоли жон бошига миллий даромад кейинги 25 йил ичида ўн баравар ошди. Иқтисодиётни ислоҳ қилиш устидан таъсирчан давлат назорати, узоқ муддатли режалаштириш, пухта ўйланган инвестиция сиёсати Индонезияни фуқароларнинг тирикчилигини аранг қоплайдиган мамлакатдан юқори сифатли маҳсулот ишлаб чиқарадиган, ички ҳамда ташқи бозорга етказиб берадиган мамлакатга айлантирди. Булар фақат нефть, газ, ёғоч-тахта, каучук, кофе, чой, қалай, никель каби одатдаги маҳсулотлар эмас. Пўлат қуйиш, тўқимачилик, ёғочни қайта ишлаш саноати машинасозлик мажмуи, автомобилсозлик жадал ривожланмоқда.

Индонезия ташқи савдода фаол сальдога эга. Чунончи, 1993 йил Индонезия импорти 28,5 млрд. экспорти эса 37 млрд. АҚШ долларига тенг бўлди. Хорижий мамлакатлар билан иқтисодий ҳамкорлик ҳам хукуматлараро даражада, ҳам хусусий бизнес йўлида олиб борилмоқда. Мамлакатда замонавий банк муассасаларининг кенг тармоғи вужудга келтирилгани ана шундай имконият туғдирди. Ҳукумат саноат, транспорт инфраструктурасини ривожлантиришни бутун чоралар билан рағбатлантирмоқда. Индонезия ишончли иқтисодий шерик сифатида чет эл инвесторларини тобора кўпроқ жалб этмоқда, ўзи ҳам янги бозорларни фаоллик билан забт этмоқда.

Ижтимоий соҳадаги кўрсаткичлар ҳам мамлакат эришаётган ютуқлардан гувоҳлик беради. Салкам ўттиз йил ичида болалар ўлими тўрт баравар, катталарнинг саводсизлиги уч баравар камайди, ўртача умр кўриш йигирма йилга узайди.

Эришилган ҳамма ютуқлар қарийб йигирма йилдан бери давлатни бошқариб келаётган Президент Сухарто номи билан ҳақли равишда боғланмоқда. Индонезиянинг иқтисодий йўли давлат ва хусусий ишбилармонликни тадбиркорона қўшиб олиб бориш, чет эл инвестициясини рағбатлантиришдан иборатдир. У жамиятда барқарорликни, ижтимоий мувозанатни мустаҳкамлашга қаратилган пишиқ-пухта ички сиёсат билан мустаҳкамлангандир.

Индонезия давлати Конституцияга мувофиқ Панчасила дея аталувчи фалсафий нуқтаи назарга асосланади. Бу — яккаю ёлғиз Худога эътиқод, одил ва маърифий инсонпарварлик, мамлакатнинг бирлиги, халқнинг ақл-заковатига асосланган ва унинг вакиллари томонидан якдиллик билан қўллаб-қувватланаётган демократия, бутун Индонезия халқи учун ижтимоий адолат демакдир.

Мамлакатда ўрнатилган сиёсий тизим Ғарб андозаларидан бир мунча фарқ қилади. Бироқ у халқнинг тарихий анъаналари ва маданиятини тўла ҳисобга олади, мамлакатнинг барча фуқаролар манфаатига мос тараққиётини таъминлайди, жамиятда ижтимоий сиёсий барқарорликни ва фуқаролар тотувлигини мустаҳкамлайди.

Президент Сухартонинг дунё миқёсидаги обрў-эътибори ҳам юқоридир. У юздан зиёд давлатни бирлаштирган Қўшилмаслик ҳаракатига раислик қилади. 1992 йили Ўзбекистон ҳам собиқ Иттифоқ республикалари орасида биринчи бўлиб унга аъзо бўлди. Осиё-Тинч океани минтақаси давлатлари иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти аъзолари бўлган 18 та мамлакат бошлиқларининг ўтган йилнинг охирида Индонезиянинг Богор шаҳрида тўпланганлари ҳам бежиз эмас. Улар орасида АҚШ, Япония, Хитой каби етакчи мамлакатлар ҳам бор эди. Шу ташкилот таркибига кирувчи мамлакатлар бошлиқларининг биринчи учрашуви Сиэтлда бўлганди, навбатдагиси шу йил Осакада бўлади.

Сухарто 1993 йилда олтинчи марта Президент этиб сайланди. Ҳозир мамлакатда узоқ муддатга мўлжалланган иқтисодий тараққиёт режасини амалга ошириш ишлари фаол давом этмоқда. Ҳукумат маҳкамаси аъзолари орасида олимлар, машҳур бўлган бизнесменлар бор. Шуниси қизиқки, вазирлар орасида ислом, хрестиан ва буддизм динларига эътиқод қилувчилар мавжуддир. Ҳеч шак-шубҳа йўқки, Индонезия ўз мустақиллигининг шу йил 17 августда нишонланадиган 50 йиллиги тантаналарини ижтимоий-иқтисодий тараққиётда янги ютуқлар билан кутиб олади.

Индонезия билан Ўзбекистон ўртасидаги муносабатлар кенг ривожланмоқда. 1992 йилда таъминот тўғрисида имзоланган шартнома савдо соҳасидаги ҳамкорликни кенгайтирди. Шу шартномага мувофиқ Индонезия Ўзбекистонга йирик савдо кредити ажратди. Мана бир неча йилдирки, бизга Индонезия чойи, гуруч, тўқимачилик моллари, пойабзал, дори-дармон келиб турибди. Жаҳонда пахтани энг кўп импорт қилувчи (йилига 500 минг тоннадан зиёд) мамлакат сифатида Индонезия ўзбек пахтасини бажонидил харид қилмоқда ва бу миқдор йил сайин ортиб бормоқда.

— Биз сизнинг бозорингизга биринчилардан бўлиб келдик, — деди Индонезиянинг йирик «Прима Комексиндо» фирмаси президент-директори Ҳошим Жойхожикусумо Тошкентга кейинги келганида. — Узоқ муддатли ўзаро манфаатли ҳамкорликнинг қарор топишига ва унинг тобора кенгайиб, янги соҳаларни қамраб олишига ишонамиз.

Бу компания Индонезия ҳукуматининг топшириғига биноан МДҲ мамлакатлари билан иқтисодий битимлар тузмоқда, Ўзбекистонда фаол ва муваффақиятли иш юритмоқда. Унинг республикамиз корхоналари ва ташкилотлари билан йиллик савдо обороти юз миллион долларга яқинлашиб қолди. Ҳозир Ўзбекистоннинг тўқимачилик ва озиқ-овқат саноатига сармоя сарфлаш лойиҳаси ишлаб чиқилмоқда. Х. Жойхожикусумо бошқараётган компаниялар гуруҳи савдо ва саноатни (цемент, кимё маҳсулотлари ва ҳ. к) қишлоқ хўжалиги, молиявий, консолтинг ва бошқа хизматларни ривожлантиришдан манфаатдор, фармакология, сайёҳлик ва меҳмонхона бизнеси соҳаларида ҳамкорликни кенгайтиришга тайёр. Х. Жойхожикусумо Сухартонинг топшириғига мувофиқ Ўзбекистонга келаётган расмий делегация таркибидаги бизнесменлар вакилларига раҳбарлик қилмоқда.

Бу Индонезия ишбилармонлари доирасининг Ўзбекистонга биринчи ташрифи эмас. «Прима Комексиндо» икки ярим йил муқаддам банк эгалари, компания ва корхоналар раҳбарларидан иборат катта гуруҳнинг республикамизга ташрифини уюштирган эди. Мақсад — уларни биздаги иқтисодий тараққиёт даражаси, ўзбек шериклар билан ҳамкорлик қилиш имкониятлари билан таништириш эди.

Индонезиялик ишбилармонлар Ўзбекистонга ишончли ва обрўли иқтисодий шерик, барқарор ва яхши бошқарилаётган давлат деган фикрда якдилдирлар. Кўпчилик кейинги йилларда республика ҳукумати хусусий секторни қўллаб-қувватлаётгани иқтисодиётни жўшқин ривожлантириш имконини бераётганини таъкидламоқда.

Икки мамлакат ўртасидаги ҳамкорлик қулоч ёза бошлади. Шак-шубҳа йўқки, Президент Сухартонинг Ўзбекистонга ташрифи бу ҳамкорликни янада мустаҳкамлайди.

**О. БАҲРОМОВ.**



**_ИНДОНЕЗИЯ — улкан архипелаг (ёнма-ён ороллар гуруҳи) бўлиб, экватор бўйлаб беш минг километрдан узунроқ масофага чўзилган. Унинг 13 мингдан зиёд катта-кичик ороллардан иборат умумий майдони қарийб икки миллион квадрат километр. Мамлакатнинг 185 миллион аҳолиси бўлиб, у бу борада жаҳонда тўртинчи ўринда туради. Бу ерда япон, сунд, мадур каби турли миллат ва элат вакиллари истиқомат қилади. Аҳоли юзлаб тил ва шеваларда сўзлашади. Индонезия — йирик мусулмон давлати бўлиб, диндорларнинг тўқсон фоизи исломга эътиқод қилади._**







**_Республикамиз мустақилликка эришганидан сўнг кўпгина давлатлар билан алоқалар мустаҳкамланмоқда. Бу нарса мамлакатимизда устивор бўлган янгича руҳдаги сиёсатнинг самарасидир. Ўзбекистон Президенти бу ҳақда гапириб, республикамиз «мафкуравий қарашлардан қатъий назар, сиёсатда очиқ-ойдинлик прицципини рўёбга чиқаришга ва барча тинчликсевар давлатлар билан кенг ташқи алоқаларни ўрнатишга интилади», деган эди._**

# МУШТАРАК МАҚСАДЛАР

70-80 йилларда шўро ҳукумати томонидан «тан олинмаган» давлатлардан бири Индонезия эди. Бунинг боиси, 1965 йилда ушбу мамлакатда антикомунистик давлат тўнтариши юз берди. Марксча-ленинча таълимот бутунлай таъқиқлаб қўйилган эди. Индонезиянинг ўтмишига разм соладиган бўлсак, унда мамлакатимиз тарихи билан ўхшаш жиҳатлар мавжудлигининг гувоҳи бўламиз. Хусусан, жафокаш индонез халқи ҳам узоқ йиллар давомида мустамлакачилик азобини тортиб яшашга мажбур бўлди. Бу юртни дастлаб XVI асрда португалияликлар идора қилишган бўлса, XVII асрга келиб эса Голландиянинг «Ост Индия» компанияси муҳим жойларга эгалик қилди. Бу даврда Индонезия халқи тараққиётнинг турли босқичларида «кураш» олиб борадии. Шу нарсадан усталик билан фойдаланган мустамлакачилар маҳаллий аҳоли ўртасида ўзаро низоларни авж олдириб, ўз ҳокимиятларини кўпроқ сақлаб туришга тиришар эди. Ҳатто, Голландия мустамлакачилик империяси ижодкорларидан бири; «Ягона тўғри сиёсат — бир князликни иккинчисига қарама-қарши қўйишдир. Бантамнинг ниҳоятда кучсизланиб қолишига, Матарамнинг жуда ҳам кучли бўлиб кетишига йўл қўймаслик керак», дея очиқ-ошкор айтган эди.

1945 йил 17 августда Индонезия халқи мустамлакачиларга қарши узоқ йиллик машаққатли курашлар эвазига ўз мустақиллигини қўлга киритишга муваффақ бўлди. Аммо европалик «ҳукмронлар» бу халқни шундан кейин ҳам тинч қўймади. Ўша йили инглизлар, 1947 йилда эса голландлар Индонезияга қарши уруш олиб борди. 1947 йилнинг августида БМТнинг «Холис хизмат комиссияси» гуруҳи ушбу мамлакатда иш бошлади ва ниҳоят, бу жараён 1949 йил 2 ноябрда Индонезия Қўшма Штатларининг халқаро майдонда тан олиниши билан якунланди. 1960 йилга келиб эса, Ғарбий Ириан устидан ҳам Индонезия суверенитети ўрнатилганлиги эътироф этилди. Натижада минг ороллар мамлакати яхлит, ягона давлат сифатида қарор топди.

Ҳозир Индонезияда 185 миллиондан зиёд аҳоли яшайди ва мамлакат аҳоли нуфуси жиҳатидан дунёда тўртинчи ўринда туради. Албатта, шунча одамни озиқ-овқат ва кундалик эҳтиёж моллари билан таъминлаш осон эмас. 1966 йил мартида давлат тепасига келган генерал Сухарто бошлиқ ҳукумат мамлакатнинг қолоқлик ботқоғига ботган иқтисодиётини тиклаш учун қатъий харакатларни бошлаб юборди. Биринчи галда чет эл инвестицияларининг мамлакат иқтисодиётига кириб келиши рағбатлантирилиб, ушбу жараён тезлаштирилди. Бурунги даврдан мерос қолган кўпгина қонунлар бекор қилинди. Айниқса, деҳқонларга мажбуран эктириладиган шакарқамиш, индига (нил бўёғи) ва тамаки экинлари маҳаллий шароитга мослаштирилди. Миллийлаштирилган корхоналар ва плантациялар нисбатан қисқа вақт ичида ўз эгаларига қайтариб берилди. 70-80 йилларда ҳукумат иқтисодий тараққиётга катта аҳамият берди. АҚШ, Япония, Нидерландия, Сингапур ва бошқа қатор давлатларнинг капитали мамлакат ишлаб чиқаришига жорий этилди. Айниқса, нефть, боксит, қалай, никель, қазиб чиқариш, ёғоч тайёрлаш ишларида катта ўзгаришлар содир бўлди. 1970 йилда мамлакат иқтисодиётига 1,3 миллиард доллар миқдорида чет эл инвестицияси жалб этилди.

Мамлакатда амалга оширилган иқтисодий ислоҳотлар натижасида ишлаб чиқариш суръатлари ошиб борди. Хусусан, 1971 йили Индонезия аҳолиси 124 миллион кишидан кўпроқ эди. Ўша йили мамлакатда 11,4 миллион тоннадан ортиқ шоли, 650 минг тонна шакар, 740 минг тонна каучук, 40 миллион тонна нефть, 16,5 минг тонна қалай концентрати ва 125 минг тонна боксит ишлаб чиқарилган бўлса, 1989 йилга келиб мамлакат аҳолиси 170 миллиондан ошди ва 27 миллион тонна шоли, 1,2 миллион тонна каучук, 70 миллион тоннадан ортиқ нефть, 24 минг тонна қалай концентрати ва 650 минг тоннадан зиёд боксит ишлаб чиқаришга эришилди. Бу рақамлардан кўриниб турибдики, Индонезияда аҳолининг кўпайиш даражасига нисбатан ишлаб чиқаришнинг ҳажми тезлик билан ривожланиши қонуний ҳолга айланди. Натижада 80-йилларнинг охирларига келиб Индонезия озиқ-овқат маҳсулотлари билан ўзини ўзи тўлиқ таъминлайдиган даражага эришди. Бундан ташқари, катта миқдордаги нефть маҳсулотлари, каучук, қимматбаҳо ёғоч ва тўқимачилик маҳсулотларини четга экспорт қила бошлади. Бугунги кунга келиб, Индонезия юқори суръатлар билан ривожланаётган давлатлар қаторидан ўрин олди.

Шу боис Индонезия тажрибаси кўпгина мамлакатларни қизиқтирмоқда. 1992 йилнинг июнь ойида Президент Ислом Каримов бошчилигидаги Ўзбекистон давлат делегацияси бу мамлакатда расмий сафарда бўлди. Ташриф давомида мамлакатларимиз ўртасидаги икки томонлама муносабатлар тўғрисида қўшма баёнот, дипломатик муносабатлар ўрнатиш тўғрисидаги қўшма ахборот, иқтисодий ва техникавий ҳамкорлик тўғрисидаги битим ва бошқа муҳим ҳужжатлар имзоланди.

Айтиш лозимки, юртбошимизнинг минг ороллар юртига бўлган ушбу ташрифидан сўнг Индонезия мамлакати билан ҳамкорлик кучайди. Масалан 1994 йил октябрида бир гуруҳ индонезиялик мутахассислар Самарқандга келиб, у ерда чой қадоқлаш бўйича қўшма корхона ташкил қилиш юзасидан музокаралар олиб боришди. Яқин келажакда мазкур тадбир ҳам ўз ижобий натижасини бериши, шубҳасиз. Чунки Индонезия бу соҳада жаҳонда етакчи ўринлардан бирини эгаллайди. Бундан ташқари, Индонезиядан мамлакатимизга катта туркумдаги сифатли гуруч ҳам келтирилди. Ўз навбатида, Индонезия Ўзбекистондан пахта ва бошқа маҳсулотларни харид қилаётир.

**Мойли ЛАФАСОВ,**
**Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институтининг доценти, тарих фанлари номзоди.**
**Ғафур ШЕРМУҲАММАД,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# БИР САФАР ТААССУРОТИ

### (Журналист ён дафтаридан)

Камина бундан роса 32 йил муқаддам — 1963 йилнинг февраль ойида Жакартада ўтказилган Халқаро журналистлар ташкилоти ижроия қўмитасининг раёсати мажлисида, ўша йилнинг сентябрь ойида эса Осиё ва Африка мамлакатлари журналистларининг Халқаро конференциясида иштирок этган эдим.

Индонезия ҳақидаги таассуротларим «Мингорол мамлакатида» деб номланган, «Ўзбекистон» нашриёти чоп этган китобчамда баён этилганди.

Индонезияликларнинг «кўздан йироқ бўлган, дилга яқин бўлади» деган яхши мақоли бор. Уни икки мамлакат — Ўзбекистон билан Индонезия ўртасидаги дўстлик, тотувлик, қардошлик муносабатларига тўла татбиқ қилиш мумкин. Юртбошимизнинг 1992 йилнинг ёзида Индонезияга қилган расмий сафари ҳар икки мамлакат халқларининг маънавий ва миллий анъаналари жуда яқинлигини яна бир бор тасдиқлади, ўзаро дўстликни мустаҳкамлашда муҳим омил бўлди, Ўзбекистон — Индонезия муносабатларини янги босқичга кўтарди. Савдо-иқтисодий алоқалар кенг ривожланиш йўлига тушиб олди.

... Ҳали кечагидай эсимда. Шереметьево аэродромида нуқрадай ярқираб турган қўшқанотли «Ил-18» ҳаво кемаси бизни дунёнинг у бурчагидан бу бурчагига, яъни Москвадан мингорол мамлакатининг пойтахти — Жакартага олиб учмоқда. Бир томондан кун чиқаётган бўлса, бир томонда кун ботаяпти. Биз Хитой Халқ Республикасининг қишлоқлари ва шаҳарлари, бамбукзорлари ва шолипоялари, дарёлари ва кўллари устидан, Ҳиндиқуш билан Ҳимолай тоғларининг кумуш чўққилари, Ҳинд океанининг зилол сувлари Ҳиндистон ва Бирманинг хушманзара шаҳар ва қишлоқлари устидан учиб ўтиб, Жакартага келиб қўндик.

Шаҳар кўчалари гавжум ва серқатнов. Кўз ўнггимизда тамомила янги олам, меҳмондўст, одамшаванда халқ. Айтишларича, биргина Жакартанинг ўзида 30 мингдан ортиқ рикша бор эмиш. Ана шу аравачали велосипедларни ҳайдовчилар бир амаллаб кун кўриш учун бу «транспорт воситалари»ни шахсий «гаражлар»нинг эгаларидан ижарага оладилар.

Биз ўзига хос, эртаклардагидай жилвакор мамлакатнинг иссиқ қуёшидангина эмас, тропик минтақа ҳарорати ва ажойиботларининг кучлилигидангина эмас, балки индонезияликларнинг бизларга кўрсатган илтифотлари ва шинавандаликларидан қайнаб-жўшиб кетаётгандай бўлдик.

— Ҳамкорлик қилмасдан, бир-бирини ҳурматламасдан, бир-бирига ёрдам бермасдан туриб, мустаҳкам дўстликка эришиб бўлмайди, — деди ўшанда биз билан суҳбатда Индонезия ахборот вазири Руслан Абдулғани.

Индонезия Ташқи ишлар вазири Субандрио биз билан мулоқотда анжуман охирида Халқаро журналистлар ташкилоти раёсатининг мажлиси қатнашчиларини Индонезия Президенти Сукарно қабул қилажагини айтди. Қабул вақтида у шундай деган эди:

— Дунё журналистларининг Халқаро анжумани менинг мамлакатимда бўлаётганлиги, Индонезия пойтахти халқаро учрашувлар маркази бўлиб қолаётгани биз учун жуда қувончли. Журналист — ҳаёт қатламларини очиб кўрсатувчи солномачидир. Ҳар хил бачкана, безакларсиз, олди-қочди сенсацияларсиз, дабдабали сўзларсиз, ёлғон-яшиқ чекинишларсиз юрак амри билан ёзадиган ҳақиқий журналист замоннинг ва халқнинг кўз-қулоғидир...

Қабулда зал меҳмонлар ва мезбонлар билан гавжум бўлди. Ҳозир бўлган журналистларнинг юраклари бир-бирлариникига уланиб тепаётгандай, уларнинг уриши эшитилиб тургандай туюларди.

Индонезиянинг энг чиройли шаҳарларидан бири — Бандунгга қилган сафаримиз ҳам эсимдан чиқмайди. Бу — ўзига хос, ўхшаши йўқ шаҳар. Осиё ва Африка мамлакатларининг мустамлакачиликка қарши кураш, дўстлик ва ҳамкорлигининг тимсоли бўлган шаҳар. Бондунг йўли Богор орқали, Пунчак довони оша ўтган, йўл ёқалари ниҳоятда хушманзара, сўлим табиат кўркини, чиройини кўз-кўз қилиб тургандек.

Ҳамроҳим, Индонезия Журналистлар уюшмасининг раиси Жовото жаноблари йўл-йўлакай гапира кетди:

— Индонезия — Осиёнинг энг йирик мусулмон давлатларидан бири, Осиё билан Австралия ўртасидаги оролларнинг «хўжайини». Улардан энг йириклари Катта Зонт гуруҳидаги Калимантан, Суматра, Ява, Сулавеси оролларидир. Уларнинг сони катта-кичик, ҳаммаси салкам уч мингта.

Индонезия мустақиллик йўлига чиқиб олгандан сўнг Президент Сухарто раҳбарлигида амалга оширила бошланган тараққиёт дастури ўзининг самарасини бермоқда. Саноат ишлаб чиқаришини ва тайёр маҳсулот экспорт қилишни ривожлантириш билангина мамлакат иқтисодиётини жадал ривожлантириш мумкин экан.

Индонезлар — миришкор деҳқонлардир. Мамлакат далаларида шоли етиштирилади. Гуруч уларнинг асосий таоми. Бир йилда уч мартагача хирмон кўтарадилар. Бир вақтнинг ўзида ҳам ер ҳайдалаётганини, ҳам шоли экилаётганини, ҳам ўроқмашоқ қилинаётганини кўриш мумкин. Индонезия каучукнинг кони, уни ишлаб чиқариш ва экспорт қилиш жиҳатидан дунёда биринчи ўринни эгаллайди.

Иқлимининг юмшоқлиги ва тупроғининг унумдорлиги бу ерда ўсимлик ва жониворлар дунёсининг хилма-хил бўлиб кўпайишига жуда қўл келади.

Индонезиянинг юракка чуқур ўрнашиб қолган ҳамма таассуротларини кичик бир лавҳада бирма-бир шарҳлаб ўтиш анча қийин — бунинг иложи ҳам йўқ. Индонезиялик ҳамкасбларимиз билан самимий суҳбатларимиз, учрашувларимиз, дилкашликларимиз хотирамиздан сира кўтарилмайди.

Биз индонезиялик меҳмонларга ўзбек диёрига хуш келибсиз, деймиз.

**Зиёд ИСЛОМ ўғли.**

# УМУМЖАҲОН ДАСТУРИНИНГ АЖРАЛМАС ҚИСМИ

### (1995 йилнинг 10 апрели ва 15 майи — Ўзбекистон Республикасида Миллий Иммунлаш (эмлаш) кунлари)

**_1994 йилнинг декабрида Ўзбекистон Президенти болаларни ҳимоя қилиш бўйича ўтказилган олий даражадаги учрашувда Деклорацияга имзо чекди. Бундан кўзланган мақсадлардан бири 2000 йилга қадар полиомелит касаллигини узил-кесил тугатишдан иборат._**

Полиомелит (шол)га қарши кураш умумжаҳон дастурининг ажралмас қисми сифатида Ўзбекистонда Миллий Иммунлаш кунлари ўтказиш одат тусига кириб бормоқда. Бу тадбирнинг биринчи босқичи 10 апрелда, иккинчиси эса 15 майда ўтказилади. Бу кунларда мамлакат бўйича 5 ёшгача бўлган ҳамма болалар эмлаш пунктларига келишлари шарт. Болаларни касалликка қарши эмлаш пунктлари ҳамма фельдшерлик — акушерлик пунктлари, қишлоқ врачлик амбулаторияларi, поликлиникалар, болалар боғчалари ва барча туғруқхоналарда мавжуд.

Полиомелит касаллигининг асоратлари жуда аянчли, лекин эмлаш йўли билан бу хасталикнинг олдини олиш мумкин. Полиомелитга қарши вакцина (дори) болаларнинг оғзига томизиш йўли билан берилади. У мутлоқ зарарсиз ва самаралидир. Бу йил Миллий Иммунлаш кунларини ўтказиш учун ЮНИСЭФ (БМТнинг Болалар жамғармаси) орқали Ротари Интернешенл жамоат ташкилоти республикага 9 миллион доза полиомелитга қарши вакцина келтирди.

Миллий Иммунлаш кунлари ўтказилишига сабаб — республикада 1990 йилда мазкур касалликка қарши вакцина етишмовчилиги бўлганлиги кузатилди. Шунингдек, 1992—93 йилларда ҳам бу вакцина тақчил бўлганлиги аниқланди. Шунинг учун ҳам Миллий Иммунлаш кунларида ўтказилувчи мазкур тадбир ўтган йилларда содир бўлган ана шу бўшлиқни тўлдириши шубҳасиз. Миллий Иммунлаш кунларининг муваффақиятли ўтказилиши келгусида мамлакатда болаларни бу ҳасталикка қарши режали эмлашнинг ўзи полиомелитнинг батамом барҳам топишига имкон яратади.

Биз шу йилнинг 10 апрель ва 15 май кунлари ўтказиладиган Миллий Иммунлаш кунларида Соғлиқни сақлаш вазирлигининг ҳокимликлари фаол қўллаб-қувватлашларини сўраймиз. Бу кунларнинг ҳар бирида республикадаги 5 яшаргача бўлган барча болалар полиомелитга қарши эмланиши учун етарли шарт-шароит яратиб беришларини сўраб ҳокимликларга мурожаат қиламиз. Ана ўшанда биз келажакда Ўзбекистонда полиомелитта чалиниш ҳодисаси бирорта ҳам учрамаслигига ишонамиз. Бунинг учун республикада бошланаётган Миллий Иммунлаш кунларида тиббиёт ходимларини барча бирдай қўллаб-қувватлаши зарур.

**«Ўзбекистон, болаларингни полиомелитдан асра!»**
**Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Болалар жамғармаси.**

**_Бутунжаҳон Соғлиқни сақлаш ташкилотининг МАЪЛУМОТНОМАсидан:_**

**_1994 йилнинг охирида Миллий Иммунлаш кунлари жаҳоннинг 58 мамлакатида ўтказилди. Унга қўшимча тадбирлар мавсуми эса 1995 йилнинг 10 апрель ва 15 май кунлари амалга оширилади. Бунда дунёнинг 15 дан ортиқ мамлакати иштирок этади. Бунда, хусусан Ўзбекистонда ўтказиладиган тадбирлардан кўзланган мақсад мамлакатдаги 5 яшаргача бўлган болаларнинг имкон қадар 99 фоизини полиомелитга қарши эмлаш ва бунда мамлакат ҳудудининг камида 97 фоизини қамраб олишдир._**

# ХУСУСИЙ КОРХОНА ИШ БОШЛАДИ

**_Самарқанд шаҳрида «Азиз» хусусий фирмасининг уч қаватли биноси фойдаланишга топширилди._**

Кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш учун республика ҳукуматининг яратган шарт-шароитлари ана шундай ижобий натижалар бермоқда. Маҳаллий усталар қўли билан шарқона жозиба ва миллий руҳда қурилган ушбу бино бутун бир мажмуани ўзида мужассам этган. Бинонинг биринчи қаватида савдо уйи жойлашган. Тикув цехи, ходимларга ва шаҳар аҳолисига хизмат кўрсатадиган ошхона ҳам бинодан ўрин олган.

«Азиз» фирмаси самарқандлик тадбиркорлар Зоҳид Жўрақулов ва Аминжон Собиров куч ғайратларининг умумлашган ҳосиласи бўлди. Фирма аҳолининг озиқ-овқатга бўлган эҳтиёжини ҳисобга олган ҳолда, ўз фаолиятини савдо-сотиқ ва енгил саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришга мўлжаллади. Айни пайтда шаҳарда фирманинг бешта дўкони фаолият кўрсатмоқда. Корхона маъмурияти аҳолини иш билан таъминлаш масаласига ҳам ўз эътиборини қаратаётир. Яқин кунларда фирмадаги тикув цехи тўла қувват билан ишга тушади. Ўшанда хусусий корхонада жами 70 киши доимий иш билан таъминланади.

«Азиз» фирмасининг очилиш маросимида Самарқанд вилояти ҳокими П. Абдураҳмонов, Самарқанд шаҳар ҳокими А. Носиров, меҳнат фахрийлари, савдо ходимлари ва кенг жамоатчилик иштирок этди.

**Сангин ЖАББОРОВ.**

